

**ФАРҒОНА ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/27.02.2020.I.106.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ФАРҒОНА ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

ЭРМАТОВ АКМАЛЖОН АКБАРАЛИЕВИЧ

**ХУСУСИЙ КАПИТАЛНИНГ БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА
АУДИТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МУАММОЛАРИ**

08.00.08- Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Фарғона шаҳри – 2020 йил

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
экономическим наукам**

**Content of dissertation abstract of Doctor of Philosophy (PhD) on
economical sciences**

Эрматов Акмалжон Акбаралиевич

Хусусий капиталнинг бухгалтерия ҳисоби ва аудитини
такомиллаштириш муаммолари 3

Эрматов Акмалжон Акбаралиевич

Проблемы совершенствования учета и аудита собственного капитала...27

Ermatov Akmaljon Akbaraliyevich

Problems of improving accounting and audit of equity 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 56

**ФАРҒОНА ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМӢЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/27.02.2020.I.106.03 РАҚАМЛИ ИЛМӢЙ КЕНГАШ**

ФАРҒОНА ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

ЭРМАТОВ АКМАЛЖОН АКБАРАЛИЕВИЧ

**ХУСУСИЙ КАПИТАЛНИНГ БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА
АУДИТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МУАММОЛАРИ**

08.00.08- Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Фарғона шаҳри – 2020 йил

Фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳуқуқидаги Олий аттестация комиссиясида В2018.1.PhD/Iqt591 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Фарғона политехника институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб sahifasida (www.fetri.uz) ва "ZiyoNet" axborot-ta'lim portalida (www.ziyounet.uz) joylashtirilgan.

Илмий раҳбар: Кудбийев Давлатбай
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: Пардаев Абдунаби Халилович
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор
Ёрихтов Илмиддин Ташматович
иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент


Етасчи таъшилот: Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти


Диссертация химояси Фарғона политехника институти ҳуқуқидаги PhD 03/27.02.2020.1.106.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил "30" сентябр соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 150107, Фарғона шаҳри, Фарғона кўчаси, 86-уй, Тел./Факс: (99873) 2411206, e-mail: ferri_info@ueda.uz.)


Диссертация билан Фарғона политехника институтининг Аxbорот-ресурс марказида танишмиш мувоқим. (01 -рақам билан рўйхатга олинган) (Манзил: 150107, Фарғона шаҳри, Фарғона кўчаси, 86-уй, Тел.: (99873) 2411293.)

Диссертация автореферати 2020 йил "18" "12" кунги тарқатилди.
(2020 йил "17" "12" лари № 1 рақамли регистр баёниномаси)




И.Н.Исмаилов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор


А.Ташмуродов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент


Ш.Хон'saidiyeva
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби Илмий семинар раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви шароитида корхоналар хусусий капитали хажми ва молиявий барқарорлиги даражаси муҳим кўрсаткичлардан ҳисобланади. Бу давлатлар иқтисодиётининг очиклиги ва жалб қилинаётган инвестиция оқимини ошириш учун кенг имкониятлар яратади. Шу билан бир қаторда молиявий ахборотларнинг ошкоралиги, ишончлилиги ва шаффофлиги инвесторлар ҳаракатини бошқарувчи асосий омиллар бўлиб ҳисобланади. Бу, ўз навбатида, тақдим этиладиган тадбиркорлик субъектлари молиявий ҳолати тўғрисидаги ахборотларни тайёрловчи бухгалтерия ҳисоби ҳамда ишончлилигини таъминловчи аудитнинг халқаро стандартлари талаби асосида такомиллаштиришни, хусусан, хусусий капитал ҳисоби ва аудитини ҳисоб ва халқаро стандартларга мувофиқлаштиришни тақозо қилади.

Жаҳон амалиётида олиб борилаётган тадқиқотларда тадбиркорлик субъектлари хусусий капитали ва унинг элементлари тўғрисидаги маълумотларнинг бир хил андоза талаблари доирасида тузилмаслиги ва тарқоқлиги, иқтисодий категориялар ҳамда молиявий кўрсаткичлар мазмунининг турлича талқин этилиши каби муаммолар кенг ўрганилмоқда. Бугунги кунда ривожланган мамлакатларда молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида бухгалтерия ҳисобини юритиш ва аудитни ташкил этиш бўйича узлуксиз тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Ушбу тадқиқотларда хусусий капитал элементларини таснифлаш, баҳолаш, уларнинг ҳисобини юритиш, таҳлил қилиш услубиёти, ҳамда, аудитининг амалий-услубий жиҳатларининг халқаро стандартларга кўра такомиллаштирган ҳолда ташкил этишни таъминлашнинг афзалликлари белгилаб берилган. Шу сабабли дунё миқёсида молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини (IFRS) жорий этиш асосида хусусий капитал ҳисоби ва аудитини такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқотлар устувор йўналишлар этиб белгиланган.

Ўзбекистонда олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотлар билан бир қаторда рақамли иқтисодиётни ташкил этиш шароитида ҳисоб тизими, хусусан, корхоналарнинг хусусий капитали ҳисоби ва аудитини такомиллаштириш ҳамда молиявий ахборотларнинг шаффофлигини таъминлаш масалалари алоҳида аҳамият касб этади. Республикада 2021 йил 1 январдан бошлаб, МҲХС асосида бухгалтерия ҳисоби юритилишини ташкил этиш ва 2021 йил якуналаридан бошлаб молиявий ҳисоботни МҲХС асосида тайёрлаш¹ масалаларига жиддий эътибор қаратилмоқда. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтишни жадаллаштириш орқали хорижий инвесторларни зарур ахборот муҳити билан таъминлаш ва халқаро молия бозорларига кириш имкониятларини кенгайтириш, шунингдек, ҳисоб ва аудит соҳалари мутахассисларини халқаро стандартлар бўйича тайёрлаш

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4611-сон қарори

тизимини такомиллаштириш бугунги кунда бухгалтерия ҳисоби соҳасидаги ислохотларнинг асосий мақсади этиб белгиланган. Мазкур мақсадга эришишни таъминлашда хусусий капитал ҳисобини халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш, таҳлил ва аудит услубиётини ривожлантириш танланган тадқиқот мавзусининг долзарблигини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 1 августдаги ПФ-5495-сон “Ўзбекистон Республикасида инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2020 йил 2 мартдаги ПФ-5953-сон “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги фармонлари, 2018 йил 19 сентябрдаги ПҚ-3946-сон “Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини янада ривожлантириш бўйича чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2020 йил 24 февралдаги ПҚ-4611-сон “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари, шунингдек, мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Хусусий капиталнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш ва аудитини такомиллаштириш масалаларининг илмий-назарий, услубий жиҳатлари хорижий иқтисодчи олимлардан И.Мельников, Е.Сивков, М.Стефанова, Ф.Броун, Г.Чжан, К.Б.Маккензи, Н.В.Ткачук, Ж.Л.Комкова, Ю.А.Дохина ва бошқалар²нинг илмий асарларида ўз аксини топган.

Маҳаллий иқтисодчи олимлардан А.А.Каримов, Д.Кудбиев, Б.А.Хасанов, Р.Д.Дусмуратов, И.Н.Исманов, М.Б.Калонов, А.Х.Пардаев, З.Н.Қурбонов, М.Қ.Пардаев, К.Б.Уразов, Ш.И.Илхамов, С.Н.Ташназаров, А.З.Авлоқулов, Б.К.Ҳамдамов, Б.А.Маматов, Б.И.Исроилов, Б.О.Болибеков,

² Мельников И. Бухгалтерский учет. – Litres 2017. – 406 с.; Сивков Е. Современный бухгалтерский учет - 2018. - ISBN-978-5-0404-1038-5; Stefanova M. Private equity accounting, investor reporting, and beyond. 2015. ISBN-13:978-0-13-359311-2; Brown Ph. Financial accounting and equity markets. 2013 ISBN: 978-0-203-06702-4 (ebk); Zhang Guochang. Accounting information and equity valuation. Theory, evidence, and applications. 2014 ISBN 978-1-4614-8160-7 (ebook); Kathryn Bell Mckenzie, J. Martyn Gunn, Talitha Agan, Campbell John Bullock, Amelia Herrera-Evans. Community equity audits. 2019 Corwin press. ISBN – 978-1-5443-6098-0; Ткачук Н.В. Методологические основы формирования информации о собственном капитале. Монография. 2011.; Комкова Ж.Л. Бухгалтерский учет собственного капитала: диалектика развития и направления совершенствования: автореф. дисс... канд. экон. наук. 2010 г.; Дохина Ю.А. Организация и методика финансового анализа формирования и использования собственного капитала хозяйствующего субъекта: автореф. дисс... канд. экон. наук. – Воронеж, 2012.

Д.М.Маткаримов, Қ.О.Ўришев ва бошқалар³нинг илмий асарларида хусусий капиталнинг бухгалтерия ҳисоби ва аудитини такомиллаштириш бўйича изланишлар олиб борилган ҳамда бу бўйича назарий-услубий масалалар ёритиб берилган. Профессор А.Каримовнинг тадқиқотларида хусусий капитални туркумлаган ҳолда ҳисобга олиш тартиби шакллантирилган бўлса, проф. Р.Дусмуратов томонидан хусусий капиталнинг шаклланиши ва аудитини ташкил этиш ҳамда ўтказиш услубиёти чуқур тадқиқ этилган. Профессор Д.Кудбиев ва И.Н.Исмановларнинг илмий тадқиқотларида хусусий капитал таркибига кирувчи элемент сифатида асосий воситаларни қайта баҳолаш натижаларини ҳисобга олиш масалалари назарий жиҳатдан ёритилган. Ш.Илхомов хусусий капитални аудит қилиш методологиясини ишлаб чиқиш бўйича тадқиқотлар олиб борган. Лекин унинг ёндашувларида хусусий капиталнинг бухгалтерия ҳисоби ва аудитини халқаро стандартлар талаблари асосида ташкил этиш ва юритиш масалалари атрофлича ёритилмаган.

Бухгалтерия ҳисоби ва аудитни халқаро стандартлар асосида ташкил этиш шароитида хусусий капитал таркиби, элементларини ҳисобга олишнинг алоҳида хусусиятлари, молиявий ҳисобот ва аудитнинг халқаро стандартларига асосан хусусий капитал бухгалтерия ҳисобини юритиш ҳамда аудитини ташкил этиш масалалари бугунга қадар комплекс тадқиқ этилмаганлиги тадқиқот иши мавзусининг долзарблигини белгилайди.

³ Каримов А.А. Корпоратив бошқарув тизимида бухгалтерия ҳисоби ва аудитни такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари: иқтисод фан. док... дисс. автореф. – Т.: 2009. – 36 б.; Кудбиев Д. Учет и анализ основных фондов в торговле в новых условиях хозяйствования: автореф. дисс... док. экон. наук. – М., 1991; Хасанов Б.А. Бошқарув ҳисоби ва ички аудит методологиясини такомиллаштириш масалалари: иқтисод фан. док... дисс. – Т., 2004. – 345 б.; Дусмуратов Р.Д. Ўзбекистонда аудиторлик фаолиятининг шаклланиши ва унинг услубиётини такомиллаштириш: иқтисод фан. док... дисс. автореф. – Т., 2008. – 36 б.; Исманов И.Н. Узоқ муддатли активларнинг бухгалтерия ҳисоби ва аудити методологиясини такомиллаштириш масалалари: иқтисод фан. док... дисс. автореф. – Фарғона, 2009. – 32 б.; – 24 б.; Калонов М.Б. Даромадлар ва харажатлар ҳисоби ҳамда таҳлили услубиёти. Монография. – Т., 2019. – 352 б.; Пардаев А.Х. Проблемы управления организации бухгалтерского учета и экономического анализа предприятий в условиях формирования рыночных отношений. (на материалах акционерных обществ Узбекистана): автореф. дисс... канд. экон. наук. – М., 1995; Курбонов З.Н. Солиқлар ҳисоби ва аудитининг назарий ва методологик асослари иқтисод фан. док... дисс. автореф. – Т.: БМА, 2008; Пардаев М.Қ. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида иқтисодий таҳлилнинг назарий ва методологик муаммолари. иқтисод фан. док... дисс. автореф. – Т., 2002; Уразов К.Б. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида бухгалтерия ҳисобининг назарий ва методологик муаммолари: иқтисод фан. док... дисс. автореф. – Самарқанд, 2006. – 36 б.; Илхамов Ш.И. Аудиторлик текширувлари жараёнида ички назорат тизимини баҳолаш методологиясини такомиллаштириш: иқтисод фан. док... дисс. – Т., 2018; Ташназаров С.Н. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида молиявий ҳисоботнинг назарий ва методологик асосларини такомиллаштириш: иқтисод фан. док... дисс. автореф. – Т., 2019; Авлоқулов А.З. Молиявий натижалар ҳисоби ва аудити методологиясини такомиллаштириш: иқтисод фан. док... дисс. автореф. – Тошкент, 2019; Ҳамдамов Б.К. Ўзбекистон иқтисодиётининг ҳисоб ва ҳисобот тизимида аудиторлик назоратини ривожлантиришнинг услубий асослари: иқтисод фан. док... дисс. автореф. – Т., 2007. - 66 б.; Маматов Б.А. Иқтисодиётни стратегик ривожлантириш шароитида биргаликдаги фаолият бухгалтерия ҳисобини такомиллаштириш: иқтисод фан. б. фалс. док... дисс. автореф. – Т., 2018; Исроилов Б.И. Акциядорлик жамиятларида бухгалтерия ҳисоби ва таҳлилини такомиллаштириш: иқтисод фан. ном... дисс. автореф. – Самарқанд, 1999.; Болибеков Б.О. Савдо-тижорат корхоналарида бухгалтерия ҳисоби ва аудитни халқаро стандартлар асосида ташкил этишни такомиллаштириш: иқтисод фан. ном... дисс. автореф. – Т., 2005. – 24 б.; Маткаримов Д.М. Молиявий ҳисоб ва ҳисоботни молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида такомиллаштириш: иқтисод фан. б. фалс. док... дисс. автореф. – Т., 2019. -58 б.; Ўришев Қ.О. Ёғ-мой ишлаб чиқариш корхоналарида хусусий капитал ҳисобини такомиллаштириш: иқтисод фан. б. фалс. док... дисс. автореф. – Т., 2019.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Мазкур диссертация тадқиқоти Фарғона политехника институтининг тадқиқот ишлари режасида №3 “Иқтисодий эркинлаштириш шароитида бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудитнинг долзарб муаммолари” мавзусидаги илмий-тадқиқот йўналиши доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади хусусий капиталнинг бухгалтерия ҳисоби ва аудитини такомиллаштириш бўйича таклиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида корхоналарда хусусий капитал ҳисобини ташкил қилишнинг назарий жиҳатлари ва хусусиятларини асослаш;

Ўзбекистон Республикасида хусусий капитал ҳисобининг меъёрий-ҳуқуқий таъминоти жорий ҳолатини тадқиқ этиш ва баҳолаш;

бухгалтерия ҳисобини молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида ташкил этишга ўтиш шароитида корхоналар хусусий капитали таркибини молиявий ҳисоботларда акс эттириш механизмини тадқиқ этиш ва такомиллаштириш;

хўжалик жамиятларида эмиссия қилинган ва муассислар томонидан обуна бўлинган акциялар бўйича тушумни аниқлаш мақсадида бухгалтерия ҳисобини юритиш жараёнларини тадқиқ этиш асосида мос бухгалтерия ўтказмаларини тузиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

хусусий капитални шакллантиришда корпоратив қимматли қоғозлар билан боғлиқ хўжалик жараёнларини бухгалтерия ҳисобида акс эттирилишининг жорий ҳолатини тадқиқ этиш ва такомиллаштириш;

хўжалик жамиятларининг хусусий капитали аудитини самарали амалга оширишда аудит объекти, элементи ва назорат нуқталарини аниқлаш услубиётини ишлаб чиқиш;

хусусий капитал аудитини халқаро стандартларга мувофиқ равишда ташкиллаш ва ўтказишда аудиторлик далилларини олиш услубиётини тадқиқ этиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида “Кварц” акциядорлик жамиятининг хусусий капитал ҳисоби ва аудити олинган.

Тадқиқотнинг предмети хусусий капиталнинг бухгалтерия ҳисоби ва аудити жараёнида вужудга келадиган иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда илмий абстракциялаш, индукция, дедукция, тизимли ёндашиш, қиёсий таҳлил, гуруҳлаш, монографик кузатув каби усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

хусусий капитал таркиби муассислар киритган маблағлар, корхона фаолияти давомида ишлаб топган ва жамғарган маблағлар, келгусида корхона фойдаси ҳисобига ўтказиладиган маблағлардан иборат бўлиши асосланган ва уларни бухгалтерия ўтказмаларида акс эттириш таклиф этилган;

корхона ишчи счётлар режасига янги 8311-“Обуна бўлинган оддий акциялар” ва 8312-“Тўлов амалга оширилган оддий акциялар” ҳамда 017-“Оддий акцияларга обуна ва улушнинг тўланиши” баланسدан ташқари счётларини киритиш таклиф этилган;

хусусий капитал объекти, элементи ва назорат нуқталарини аниқлаш ҳамда қатъий белгилаш орқали аудитор иш сифатини ошириш асосланган;

аудиторлик далиллари олиш усулини аудит халқаро стандартларига мувофиқлаштириш орқали хусусий капитал аудитини ўтказиш самарадорлигини таъминлаш асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

хусусий капитал элементларини молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мувофиқлаштириш, самарали таҳлил қилиш ва иқтисодий баҳолаш юзасидан хўжалик жамиятлари учун мос бўлган гуруҳлаш тизими шакллантирилган;

акциядорлик жамиятлари ва масъулияти чекланган жамиятларнинг устав капиталига муассисларнинг улушлари бўйича тўлов ҳолатларини ҳисобга олиш учун янги счётларнинг қўлланилиши бўйича таклифлар берилган;

хусусий капитал аудитини сифатли ва мукамал ўтказиш бўйича аудит объекти, элементи ва назорат нуқталарини аниқ белгилаш асосланган ҳамда хусусий капитал аудитини янги намунавий шаклдаги умумий режаси ва дастури ишлаб чиқилган;

аудитор фикрини шакллантириш учун асос бўлувчи аудиторлик далилларининг халқаро стандартларга кўра таснифи ҳамда уларни олиш усулларини корхона хусусий капитали аудити жараёнида қўллаш бўйича услубий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги иқтисодчи олимларнинг хусусий капиталнинг бухгалтерияда ҳисобга олиш ва аудитини ташкил этиш хусусидаги илмий-назарий ёндашувлари қиёсий ва танқидий таҳлил қилинганлиги, молиявий ҳисобот халқаро стандартларининг чуқур тадқиқ этилганлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Марказий депозитарийси давлат корхонасининг маълумотларидан фойдаланилганлиги ва тегишли хулоса ҳамда таклифларнинг “Кварц” акциядорлик жамияти ва Фарғона вилояти Аудиторлар Палатаси томонидан амалиётга жорий қилинганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ишлаб чиқилган таклифлардан асосан акциядорлик жамиятлари ва масъулияти чекланган жамиятларда хусусий капитал бухгалтерия ҳисобини юритиш ҳамда аудитини такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқот ишларида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган тавсиялар устав капитали, резерв капитали, тўланадиган дивидендлар ва тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар)ни бухгалтерия ҳисобида тўғри акс эттириш, корхона ҳисоб сиёсатини такомиллаштириш ҳамда аудитини

ташқил этиш самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқишга хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Хусусий капиталнинг бухгалтерия ҳисоби ва аудитини такомиллаштириш муаммолари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

хусусий капитал таркиби муассислар киритган маблағлар, корхона фаолияти давомида ишлаб топган ва жамғарган маблағлар, келгусида корхона фойдаси ҳисобига ўтказиладиган маблағлардан иборат бўлиши ва уларни бухгалтерия ўтказмаларида акс эттириш таклифи “Кварц” акциядорлик жамияти ҳисоб сиёсатида ўз аксини топган (“Кварц” акциядорлик жамиятининг 2020 йил 13 мартдаги 01-17/379-сон маълумотномаси). Натижада, хусусий капитал таркибини молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари талабларига мувофиқ молиявий ҳисоботларда акс эттиришга эришилган;

корхонада ишчи счётлар режасига янги 8311-“Обуна бўлинган оддий акциялар” ва 8312-“Тўлов амалга оширилган оддий акциялар” ҳамда 017-“Оддий акцияларга обуна ва улушнинг тўланиши” балансдан ташқари счётини киритиш таклифи “Кварц” акциядорлик жамияти ҳисоб сиёсатида ўз аксини топган (“Кварц” акциядорлик жамиятининг 2020 йил 13 мартдаги 01-17/379-сон маълумотномаси). Натижада, хусусий капитал ҳисоби бўйича аниқ ҳамда шаффоф ахборотларни шакллантириш имконияти яратилган;

хусусий капитал объекти, элементи ва назорат нуқталарини аниқлаш ҳамда қатъий белгилаш орқали аудитор иш сифатини ошириш бўйича таклифи Фарғона вилояти аудиторлар палатаси томонидан хусусий капитал аудитини ташқил этишга оид услубий қўлланмаларни яратишда фойдаланилган (Фарғона вилояти аудиторлар палатасининг 2020 йил 9 июлдаги 31/2-сон маълумотномаси). Натижада, аудиторлар иш сифатининг яхшиланиши ва хусусий капитал аудитини самарали ташқил этиш имконияти яратилган;

аудиторлик далиллари олиш усулини аудит халқаро стандартларига мувофиқлаштириш орқали хусусий капитал аудитини ўтказиш самарадорлигини таъминлаш бўйича таклифи Фарғона вилояти аудиторлар палатаси томонидан хусусий капитал аудитини халқаро аудит стандартлари асосида ташқил этишга оид услубий қўлланмаларни яратишда фойдаланилган (Фарғона вилояти аудиторлар палатасининг 2020 йил 9 июлдаги 31/2-сон маълумотномаси). Натижада, аудиторлар иш вақтининг тежалиши, аудит сифатининг яхшиланиши ва хусусий капитал аудитини халқаро аудит стандартлари асосида ташқил этиш имконияти яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Ушбу тадқиқот натижалари 2 та республика ва 6 та халқаро илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 13 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 3 та илмий мақола, жумладан 1 таси хорижий журналда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 127 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, унинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги кўрсатилган, мақсади ва асосий вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилиниб, олинган натижаларнинг илмий ҳамда амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Хусусий капитал бухгалтерия ҳисобининг назарий асослари”** деб номланган биринчи бобда дунё мамлакатлари иқтисодиётининг глобаллашуви, миллий иқтисодиётни модернизациялаш ва диверсификациялаш шароитида янги ташкил этилаётган ҳамда фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектларида хусусий капитал ҳисобини юритишнинг назарий асослари, бошқарув қарорларини қабул қилиш жараёнидаги ўрни ва аҳамияти очиб берилган.

Илм-фан ва технологияларнинг кундан кун ривожланиб бораётганлигига қарамадан, замонавий иқтисодий билимлар ханузгача капитал борасида умумқабул қилинган аниқ тасаввурга эга эмас. Бироқ капитал борасидаги барча қарашларда яқдил бир тушунча бор, яъни капитал иқтисодий наф келтириш имкониятига эга қийматдир. Қолаверса, у ишлаб чиқариш ресурсларининг аввалги даврлардаги фойдаланилиши натижасида жамланади. Бу тушунчалар ўзаро боғланган ҳолда капитал моҳиятини очиб бериш имкониятига эга бўлган асосли қарашни шакллантиради:

- биринчидан, капитал – бу қиймат;
- иккинчидан, у аввалги даврдаги фаолият натижасида пайдо бўлади;
- учинчидан, капитал иқтисодий наф келтирувчи ишлаб чиқариш ресурсларида ўз ифодасини топади.

Мазкур фикрларга асосланган ҳолда корхона ва ташкилотларнинг соф активларини ифодаловчи хусусий капитал таърифини шакллантириш имкони пайдо бўлади. Хусусий капитал – ишлаб чиқариш ресурсларининг аввалги даврлардаги фойдаланилиши натижасида жамланган, келгусида иқтисодий наф келтириш имкониятига эга ҳамда мулкдорларга тегишли бўлган қийматлар мажмуидир⁴.

Мазкур бобда хусусий капитал таркибига киритилган элементларнинг хусусиятлари, илмий адабиётларда келтирилган таърифлари тадқиқ этилиб, уларга нисбатан қўллаш учун янги таърифлар тавсия этилган. Тадқиқ қилинган

⁴ Тадқиқотлар натижасида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

илмий адабиётлардан устав капиталига берилган қуйидаги таърифларни келтириш мумкин:

- ҳуқуқлар ва имтиёзлар олиш учун корхона муассислари томонидан таъсис ҳужжатларига мувофиқ қўшилган (тўланган) ҳамда корхонанинг хўжалик фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган моддий бойликлар, пул маблағлари ва харажатлар мажмуидир⁵.

- корхонани ташкил этиш чоғида муассисларнинг асосий воситалар, номоддий активлар, пул, мулкӣ ҳуқуқлар, акциялар ва бошқа турдаги мол-мулк кўринишидаги улушлари⁶.

- корхонани ташкил қилиш вақтида унинг таъсис ҳужжатларида белгиланган миқдорда фаолият кўрсатишини таъминлаш учун қатнашчилар (мулкдорлар) мол-мулкдаги улушининг (пул бирлигидаги) йиғиндисини ифодалайди⁷.

- таъсис ҳужжатларида белгиланган корхона мулкани белгилашда, унинг фаолиятини бир маромда юргизишда таъсисчиларнинг пул ифодасида қўйган маблағларининг йиғиндисидир⁸.

Ушбу таърифларни ўрганиб, умумлаштирган ҳолда устав капиталига қуйидагича таъриф бериш тавсия қилинади.

Устав капитали – бу таъсис ҳужжатларида белгиланган фаолиятнинг дастлабки таъминоти учун хўжалик юритувчи субъектни ташкил этиш чоғида муассислар томонидан белгиланган улушларга мувофиқ киритилган моддий ва номоддий мулклар мажмуининг пул бирлигида ифодаланган миқдоридир⁹.

Устав капитали корхона мол-мулкнинг энг кам миқдорини ифодалайди ва у кредиторлар манфаатларининг кафолати бўлиб хизмат қилади. Республика иқтисодиётини янада ривожлантириш ва инвестор ҳамда кредиторлар манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида мулкчилик шаклидан қатъий назар устав капиталига белгиланган энг кам миқдорлар бўйича чегараларни бекор қилиб, унинг ўрнига шу миқдор даражасидаги кафолатларни тақдим этувчи суғурта хизматларини жорий этиш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бу, биринчидан, корхоналарни ташкил этиш ва фаолиятини йўлга қўйиш учун тадбиркорлик субъектларига енгиллик яратса, иккинчидан, мамлакатда суғурта бозори хизмат турларининг ортишига ҳамда бозорнинг кенгайишига имкон яратади.

Хусусий капитал бухгалтерия ҳисоби корхона фаолияти билан қизиқаётган инвестор ва кредиторлар молиявий қарорларни қабул қила олишлари учун асос бўлувчи фойдали маълумотларни тақдим этиши зарур. Лекин хусусий капитал таркибини аниқ хусусиятларга эга гуруҳлар бўйича таснифлаш республикада

⁵ Каримов А.А. ва бошқ. Бухгалтерия ҳисоби: Олий ўқув юрти талабалари учун дарслик. – Т.: Шарқ, 2004. - 592 б.

⁶ Гадоев Э.Ф. ва бошқ. Бухгалтерлар учун амалий қўлланма: икки жилдлик. – Тошкент: NORMA, 2010. - 344 б.

⁷ Ғуломова Ф.Ғ., Файзиёва У.Т. Бухгалтерия ҳисобини мустақил ўрганиш учун қўлланма. – Тошкент: NORMA, 2012. – 528 б.

⁸ Умарова М., Эшбоев Ў., Аҳмаджонов К. Бухгалтерия ҳисоби. – Т., “ЎАЖБНТ” маркази, 2004. – 352 б.

⁹ Муаллиф томонидан тавсия қилинган.

амалда бўлган бухгалтерия ҳисоби меъёрий ҳужжатлари ва илмий адабиётларида ўз аксини топмаган.

Аниқ хусусиятлар асосида таснифлаш таркибий элементларни алоҳида гуруҳларга ажратиш, таркибга қўшилаётган янги элементларнинг гуруҳга тегишли эканлигини асослаш ҳамда таркибга қўшиш асосларини ишлаб чиқишни енгиллаштиради. Қолаверса, корхона хусусий капитали ўзгаришининг муассислар қўйилмалари, субъект ишлаб топган маблағлар ёки келгусида ўзлаштириладиган маблағлар ҳисобига рўй берганлигини аниқлаш ва баҳолаш имкони пайдо бўлади.

Хусусий капитални таснифлаш учун тавсия этилаётган гуруҳлар бухгалтерия ҳисоби халқаро стандартларини тадқиқ этиш асосида ишлаб чиқилган ва 1-расмда келтириб ўтилган.



1-расм. Хусусий капитал элементларининг гуруҳланган таснифланиши¹⁰

Хусусий капитал таркибий элементларини 1-расмда таклиф этилаётган гуруҳларга мувофиқ таснифлаш натижасида уларни муассислар киритган маблағлар гуруҳига, корхона фаолияти давомида ишлаб топган ва жамғарган маблағлари гуруҳига ҳамда корхона хусусий капитали умумий қийматини ўзгартирган ташқи омиллар таъсирида шаклланган, келгусида корхона фойдаси ҳисобига ўтказиладиган маблағлар гуруҳига ажратиш мумкин. Хусусий капитал таркибидаги моддаларни мазкур гуруҳлар бўйича жамлаш хусусий капитални таҳлил қилиш жараёнида унинг умумий қийматидаги ўзгаришлар айнан қайси гуруҳ моддалари улушига тўғри келаётганлигини аниқлаш имконини беради ва натижаларнинг тушунарлилик даражасини орттиради.

Республикада амалдаги хусусий капитал таркибий элементларининг ўз маблағлари манбалари қийматига нисбатан улуши таҳлили (1-жадвалга қаранг) ва элементлар қийматининг йиллар давомидаги ўзгариши таҳлили (2-жадвалга қаранг) ҳар бир модда бўйича алоҳида амалга оширилади. Бу тартибда таҳлил

¹⁰ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

қилиш хусусий капитал қиймати ўзгаришининг қайси манбалар гуруҳи ҳисобига содир бўлганлигини аниқлаш имконини бермайди.

1-жадвал

“Кварц” АЖ хусусий капитали элементлари улушининг таҳлили¹¹

(минг сўмда)

№	Элементлар	01.01. 2018	Улуш (%)	01.01. 2019	Улуш (%)	01.01. 2020	Улуш (%)
1	Устав капитали	78460118	33,8	82705204	27,0	165410409	49,9
2	Қўшилган капитал	50169	0,01	3336448	1,1	3336448	1,0
3	Резерв капитали	35287391	15,2	52556002	17,2	63503325	19,2
4	Тақсимланмаган фойда	88230177	38,0	84544817	27,6	38784100	11,7
5	Мақсадли тушумлар	-	-	34356056	11,2	12874550	3,9
6	Келгуси давр харажатларига захира	30440724	13,1	48690118	15,9	47601630	14,4
7	Ўз маблағлари манбалари жами:	232468579	100,0	306188645	100,0	331510462	100,0
8	ХКнинг балансдаги улуши (%)	86,0	-	97,3	-	72,9	-
9	Баланс жами:	270400396	-	314813678	-	454475858	-

Хусусий капитал таркибий элементларининг ўз маблағлари манбалари умумий қийматига нисбатан улушлари ва уларнинг йиллар давомидаги ўзгаришини 1-жадвал маълумотларидан кўриш мумкин.

2-жадвал

“Кварц” АЖ хусусий капитали элементларининг динамик таҳлили¹²

(минг сўмда)

№	Элементлар	01.01. 2018	Ўсиш (%)	01.01. 2019	Ўсиш (%)	01.01. 2020	Ўсиш (%)
1	Устав капитали	78460118	90,9	82705204	5,4	165410409	100,0
2	Қўшилган капитал	50169	-	3336448	6550	3336448	-
3	Резерв капитали	35287391	2,2	52556002	48,9	63503325	20,8
4	Тақсимланмаган фойда	88230177	25,5	84544817	-4,2	38784100	-54,1
5	Мақсадли тушумлар	-	-	34356056	-	12874550	-62,5
6	Келгуси давр харажатларига захира	30440724	59,4	48690118	60,0	47601630	-2,2
7	Ўз маблағлари манбалари жами:	232468579	40,8	306188645	31,7	331510462	8,3
8	ХКнинг балансдаги улуши (%)	86,0	-	97,3	-	72,9	-
9	Баланс жами:	270400396	-	314813678	-	454475858	-

Хусусий капитал элементларининг йиллар давомидаги ўсиш кўрсаткичларини 2-жадвал маълумотларидан кўриш мумкин. Биринчи ва иккинчи жадвал маълумотлари ҳам хусусий капитал қийматининг ўзгариши умумий ҳолда асосан қайси омил ҳисобига содир бўлганлигини баҳолаш имконини бермайди.

¹¹ “Кварц” АЖ молиявий ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузиб чиқилди.

¹² “Кварц” АЖ молиявий ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузиб чиқилди.

Биринчи расмда таклиф этилаётган гуруҳлар бўйича таснифлаш асосида ўтказилган таҳлил натижалари эса қуйидаги жадвалларда келтирилган (3 ва 4 жадвалларга қаранг).

3-жадвал

"Кварц" АЖ хусусий капиталининг янги таснифига кўра таркибий элементлари улушининг ўзгариши¹³

(минг сўмда)

№	Элементлар гуруҳлари	01.01. 2018	Улуш (%)	01.01. 2019	Улуш (%)	01.01. 2020	Улуш (%)
1	Муассисларнинг қўйилмалари	78510287	34	86041652	28	168746857	51
2	Корхона ишлаб топган маблағлар	123517568	53	137100819	45	102287425	31
3	Адолатли қийматни аниқлаш ва келгусида ўзлаштириш учун маблағлар	30440724	13	83046174	27	60476180	18
4	Ўз маблағлари манбалари жами:	232468579	100	306188645	100	331510462	100
5	ХК баланс таркибидаги улуши (%)	86,0	-	97,3	-	72,9	-
6	Баланс жами:	270400396	-	314813678	-	454475858	-

Хусусий капитал умумий қийматининг ўзгариши келтирилган 3-жадвалда хусусий капитал таркибий элементларини муассислар, корхона ишлаб топган маблағлар ва келгусида ўзлаштирилиши кутилаётган маблағлар гуруҳларига ажратилган ҳолда таҳлил қилинган.

Хусусий капитал элементларини муассислар, корхона ишлаб топган маблағлар ва келгусида ўзлаштирилиши кутилаётган маблағлар гуруҳларига ажратган ҳолда йиллар давомидаги ўсиш кўрсаткичлари таҳлили 4-жадвал маълумотларида келтириб ўтилган. Мазкур гуруҳларга ажратган ҳолда таҳлил қилиш ва маълумотларни тақдим этиш молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлари мақсадларига мос бўлади ва таҳлилнинг тушунарлилик даражасини оширади.

Хусусий капиталнинг бухгалтерия ҳисоби халқаро амалиётини тадқиқ қилиш жараёнида, унинг алоҳида стандарт билан тартибга солинмаслиги аниқланди. Бухгалтерия ҳисоби соҳасида амалда бўлган халқаро стандартлар талаблари тадқиқ этилган ҳолда хусусий капитал ҳисобини ташкил этишда асосий саналган стандартлар рўйхати 5-жадвалда келтириб ўтилган.

Бугунги кунда дунёнинг 160 дан ортиқ мамлакатлари мазкур стандартлар асосида хусусий капитал ҳисобини юритмоқда. Бу давлатларнинг аксарияти ривожланган мамлакатлар қаторида эътироф этилган.

¹³ "Кварц" АЖ молиявий ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузиб чиқилди.

**“Кварц” АЖ хусусий капиталини янги таснифга кўра таркибий
элементларининг ўсиш кўрсаткичлари таҳлили ¹⁴**

(минг сўмда)

№	Элементлар гуруҳлари	01.01. 2018	Ўсиш (%)	01.01. 2019	Ўсиш (%)	01.01. 2020	Ўсиш (%)
1	Муассисларнинг қўйилмалари	78510287	191	86041652	110	168746857	196
2	Корхона ишлаб топган маблағлар	123517568	118	137100819	111	102287425	75
3	Адолатли қийматни аниқлаш ва келгусида ўзлаштириш учун маблағлар	30440724	159	83046174	273	60476180	73
4	Ўз маблағлари манбалари жами:	232468579	141	306188645	132	331510462	108
5	ХК баланс таркибидаги улуши (%)	86,0	-	97,3	-	72,9	-
6	Баланс жами:	270400396		314813678		454475858	

**Хусусий капитални ҳисобга олишда қўлланиладиган бухгалтерия
ҳисобининг халқаро стандартлари ¹⁵**

Стандарт рақами	Инглиз тилидаги номланиши	Ўзбек тилида номланиши
IFRS 3	Business Combinations	Бизнес бирлашувлари
IFRS 7	Financial Instruments: Disclosure	Молиявий воситалар: Ёритиш
IAS 21	The Effects of Changes in Foreign Exchange Rates	Валюта курсларидаги ўзгаришлар таъсири
IAS 32	Financial Instruments: Presentation	Молиявий воситалар: Такдимот
IAS 36	Impairment of Assets	Активлар қийматининг қадрсизланиши
IAS 39	Financial Instruments: Recognition and Measurement	Молиявий воситалар: тан олиш ва баҳолаш

Ривожланган мамлакатларда эркин рақобат таъсирида бизнес субъектларининг бирлашиши ёки бўлиниши тез-тез содир бўлади ва бу хусусий капитал қийматига бевосита таъсир кўрсатади. Хусусий капитал ҳисобига қўйилган асосий талаб инвесторларга ишончли ва ўринли, яъни фойдали маълумотларни ўз вақтида етказиб бериш ҳисобланади. Шу мақсадда, амалдаги молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларида хусусий капитал элементлари тўрт гуруҳга ажратилади (2-расм). Эътиборли жиҳати 2-расмда берилган иккинчи ва учинчи гуруҳ моддалари 1-расмда таклиф қилинган “Субъект ишлаб топган маблағлар” гуруҳи хусусиятларини ўзида мужассамлаштиради.

¹⁴ “Кварц” АЖ молиявий ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузиб чиқилди.

¹⁵ Муаллиф томонидан тузиб чиқилган.

Диссертациянинг “Хусусий капитал моддаларини бухгалтерияда ҳисобга олиш жараёнларини такомиллаштириш” номли иккинчи бобида хусусий капитал элементларининг бухгалтерия ҳисоби, корпоратив қимматли қоғозлар билан боғлиқ хўжалик жараёнларининг бухгалтерияда ҳисобга олиниши ва акциядорлик жамиятларида дивиденд ҳисобининг долзарб масалалари ёритиб берилган.



2-расм. Хусусий капиталнинг бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартларига кўра таркиби¹⁶

Республикада фаолият юритаётган ва янги ташкил этилаётган акциядорлик жамиятлари шерикчилик асосидаги йирик мулк шакллари бўлиб, бугунги кунда бухгалтерия ҳисоби соҳасида амалда бўлган меъёрий ҳужжатлар мазкур хўжалик субъектларида бухгалтерия ҳисобини сифатли ва самарали ташкил этиш ҳамда халқаро стандартлар талаблари даражасида юритиш имконини бермайди. Акциядорлик жамиятларида устав капиталини шакллантириш, дивидендларни тақсимлаш, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида ҳисоботлар тайёрлаш ва бошқа муаммоларнинг юзага чиқаётганлиги тадқиқот объекти сифатида акциядорлик жамиятларини танлашга сабаб бўлди. Жорий даврда “Қимматли қоғозлар марказий депозитарий” давлат корхонасида рўйхатдан ўтган акциядорлик жамиятларининг сони 595 тани ташкил этиб, улардан 157 та саноат соҳасида, 198 та қишлоқ хўжалиги соҳасида, 168 та хизмат кўрсатиш соҳасида ва 72 та молия соҳасида ўз фаолиятларини юритмоқда (6-жадвалга қаранг). Мазкур жамиятларда чиқарилган акцияларнинг умумий сони деярли 10040,46 млрд. донани ташкил этиб, уларнинг қиймати 147987,80 млрд. сўмни ташкил этади.

Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган акциядорлик жамиятлари хусусий капиталининг умумий қиймати мамлакат иқтисодиётида аҳамиятли ўрин тутишини кўриш мумкин (6-жадвалга қаранг). Бироқ бугунги кунда

¹⁶ Бухгалтерия Ҳисобининг Халқаро Стандартлари бўйича Кенгаш томонидан 2010 йил сентябрда чоп этилган “Молиявий ҳисоботнинг концептуал асоси” 4.20 бандига асосан муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

мазкур хўжалик субъектларида устав капиталини шакллантириш жараёнида муассисларнинг обуна бўлинган ва улушлари бўйича қарзлари тўланган акцияларни ҳисобга олиш имконини берувчи бухгалтерия ҳисоби счётлари мавжуд эмас.

6-жадвал

**Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган акциядорлик
жамиятлари сони**¹⁷ (03.08.2020 ҳолатига)

Фаолият соҳаси	АЖ лар сони	Чиқарилишлар ҳажми (млрд.сўм)	Акция (млн.дона)
Жами:	595	147 987,80	10 040 458,18
Жумладан:			
1 Саноат	157	79 971,03	2 485 447,85
2 Қишлоқ хўжалиги	198	4 651,90	1512 910,12
3 Хизмат кўрсатиш соҳаси	168	18 546,62	160 619,99
4 Молия секторида	72	44 818,25	5 881480,21

Жорий пайтда бу муаммони ҳал этиш учун 8310 – “Оддий акциялар” счётини батафсил ҳисобини юритиш мақсадида балансдан ташқари қуйидаги янги счётнинг киритилиши мақсадга мувофиқ:

- 017-“Оддий акцияларга обуна ва улушнинг тўланиши” счёти¹⁸.

Обуна бўлинган акцияларнинг номинал бўйича қиймати 017-счёт дебетида ва акциялар бўйича муассислар томонидан амалга оширилган тўловлар қиймати мазкур счётнинг кредитида акс эттирилади. У балансдан ташқари счёт бўлганлиги сабабли бошқа счётлар билан корреспонденция қилинмайди. 017-“Оддий акцияларга обуна ва улушнинг тўланиши” счётида акциядорларнинг алоҳида ҳисобини юритиш учун қўшимча субсчётлар қўшилиши мумкин. Акциядорлик жамияти акциялари хусусий жойлаштириш асосида чиқарилганда 017 счёт жамият муассисларининг обуна бўлинган акциялар бўйича тўловлари ҳолатини алоҳида билиш имкониятини юзага чиқаради.

Муассисларнинг обуна бўлинган акциялари ва улар бўйича тўловлар ҳолати тўрисидаги маълумотларни баланс счётлари ёрдамида ҳам олиш имкони мавжуд. Бу янги 8311-“Обуна бўлинган оддий акциялар” ва 8312-“Тўлов амалга оширилган оддий акциялар” счётларининг корхона ҳисоб сиёсатида ўзгартириш киритиш орқали ишчи счётлар режасига қўшилишини талаб этади. Эмиссия жараёнларининг бухгалтерия ҳисоби счётларида акс эттирилиши 7-жадвал маълумотларида келтириб ўтилган.

Жадвалда келтирилган 8311 счётининг қолдиқлари бўйича обуна бўлинган, лекин тўлов амалга оширилмаган акциялар қийматини аниқлаш имкони яратилса, 8312 счёт қолдиқлари асосида обуна учун тўлов амалга оширилган акциялар қийматини аниқлаш имконияти пайдо бўлади.

Резерв капитали ҳисобини такомиллаштириш 8510-“Узоқ муддатли активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар” ҳамда 8530-“Текинга олинган мулк” счётининг қолдиқлари бухгалтерия ҳисобида ҳисобга олиниши

¹⁷ Манба: www.deponet.uz сайти маълумоти асосида тузилган.

¹⁸ Муаллиф томонидан тавсия этилган балансдан ташқари счёт.

мувофиқлик тамойилига мос бўлиши талаб этилади. Мулкни қайта баҳолаш ва уни текинга олиш натижасида юзага келган қийматлар бугунги кунда мувофиқлик тамойилига мос ҳолда ҳисобга олинмоқда, деб бўлмайди. Чунки бу қийматлар объекти ҳисобдан чиқарилгунига қадар счётларда қолдиқ сифатида сақланмоқда.

7-жадвал

**Акциялар эмиссия жараёнининг бухгалтерия ҳисоби счётларида
ҳисобга олиниши**

№	Хўжалик жараёнлари мазмуни	Дебет	Кредит
1	Корхона устав капиталининг шакллантирилиши	4610	8310
2	Обуна бўлинган акциялар қийматининг ажратилиши	8310	8311
3	а) Тўлов амалга оширилган акциялар қийматининг ажратилиши	8311	8312
	б) Таъсисчиларнинг обуна бўлинган акциялари бўйича тўловларнинг олиниши	Олинган қийматликларни ифодаловчи баланс счётлари	4610
4	Устав капиталининг белгиланган муддатда шаклланмаган қисмига устав капиталининг камайтирилиши	8310	4610

Текинга олинган мулк ва узоқ муддатли активларни қайта баҳолаш натижасида шаклланган қиймат объектлари хизмат муддатини ўташ жараёнида ўз қийматларини корхонанинг айланма капитали таркибига ўтказди, яъни корхона тарафидан мазкур қийматлар ўзлаштирилади. Уларни мувофиқлик тамойили асосида ҳисобга олиш учун шаклланган қийматларни объектнинг хизмат муддати давомида ҳисобдан чиқариб, корхонанинг тақсимланмаган фойдаси таркибида ҳисобга олиш тавсия этилади. Бу текинга олинган мулк хизмат муддати тугаган пайтда унинг қиймати тўлиқ хусусий капиталнинг корхона томонидан ишлаб топилган маблағлари таркибига ўтказилишини таъминлайди. Мазкур жараёни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш учун куйидаги ўтказмалардан фойдаланиш тавсия этилади:

Дебет 8510, 8530 (қийматни ҳисобдан чиқариш усули бўйича аниқланган суммага)

Кредит 8710 - Жорий йилнинг тақсимланмаган фойда (зарар) счёти¹⁹

Корхонанинг тақсимланмаган фойда счётига ўтказиладиган қийматларнинг аниқланиши бир текисда тақсимлаш ёки объектнинг эскириш ҳисоблаш усуллари мутаносиб шаклда қўлланиладиган ҳисобдан чиқариш усуллари асосида амалга оширилади. Яъни, ҳисобдан чиқарилиши керак бўлган мулкнинг қиймати хизмат муддатига тенг тақсимланади ёки ҳар йиллик ҳисобланган эскириш суммаларига мутаносиб шаклда 8710 счётининг кредитида акс эттирилади.

Хусусий капиталнинг яна бир таркибий элементи ҳисобланган “Келгуси давр харажатлари ва тўловлари резервини ҳисобга олиш счёти” моҳияти

¹⁹ Муаллиф томонидан тавсия этилган.

жиҳатидан хусусий капитал таркибида ҳисобга олиниши мумкин эмас. Чунки бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари талабларига кўра мазкур модда аслида корхонанинг келгусида тан олинадиган мажбуриятларини ифодалайди.

Молиявий ҳисоботнинг концептуал асослари талабларига кўра қийматини ишончли баҳолай олиш имконияти мавжуд ва келгусида корхонага иқтисодий наф келтириши мумкин бўлган маблағларнинг камайишига сабаб бўлувчи моддалар мажбурият сифатида тан олинади.

Бундан ташқари, хусусий капитал таркибида ҳисобга олинадиган резервларнинг фақатгина корхона тақсимланмаган фойдасидан ажратма сифатида ажратилиши шарт эканлиги ҳам молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлари концептуал асослари 4.20-бандида келтириб ўтилган.

